

## Қуръони Карим дарслари (45-дарс). Қуръони каримнинг илмий эъжози (иккинчи мақола)



15:00 / 07.08.2019 5616

Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилади:

ظُلْمَتٌ وَمِنْ سَحَابٍ فَوْقِهِ، مِنْ مَوْجٍ يَغْشَهُ لَبِّيَّ بَحْرٍ فِي كَظُلْمَتٍ أَوْ

نُورٍ مِنْ لَهُ، فَمَا نُورٌ لَهُ اللَّهُ يَعْلَمُ مَنْ يَكْذِبُ لَمْ يَكْدُ لَمْ يَكْدُ إِذَا بَعْضٍ فَوْقَ بَعْضٍ هَا



«Ёки худди қаърсиз дengиздаги зулматларга ўхшар. Унинг устидан мавж қоплагандир, у(мавж)нинг ҳам устидан мавж ва уни эса булат

(қоплагандир). Бир-бирининг устидаги зулматлардир. У қўлини чиқарса, кўра олмас. Кимгаки Аллоҳ нур бермаса, унинг учун нур бўлмас» (*Нур сураси, 40-оят*).

Мазкур оят тўлқинларнинг остки ва усткига бўлинишига далолат қилади. Бу ҳақда америкалик биолог Рэйчел Карсон исмли денгизшунос олим ўзининг «Атрофимиздаги олам» номли китобида шундай дейди:

«Океандаги тўлқинларнинг энг кучлиси ва хавфлиси кўринмайдигани, денгиз қаърида бўладиганидир».

Кўп йиллардан буён Шимолий денгизга сафар қиладиган кемалар йўлни жуда қийинчилик билан босиб ўтар эди. Энди маълум бўлишича, бунга ана шу остки тўлқин қаршилик қиласр экан.

1900 йилнинг бошларида скандинавиялик денгизчилар кишилар эътиборини денгизнинг остида ҳам тўлқин борлигига тортдилар. Ҳозирги кунда уларнинг қаердан келиб чиқиши номаълум бўлса-да, борлиги ва кенг тарқалганлиги, ўша тўлқинлар гоҳида сувости кемаларини йўлдан сурисиб юбориши ҳаммага аён.

Қуръон ояти эса бу нарсаларни неча асрлар илгари айтиб ўтган. Яна шуни таъкидлаш лозимки, Қуръон нозил бўлган жой – Муҳаммад алайҳиссалом туғилиб-ўсган жойларда бундай воқеалар юз бермайди. Чунки у ерда океан ва улкан денгизлар йўқ, умуман, денгизчилик тўғрисида тасаввур ҳам бўлмаган.

Аллоҳ таоло Муъминун сурасида шундай деб марҳамат қилади:

۱۲ ﴿ طِينِ مِنْ سُلَّمَةٍ مِنَ الْإِنْسَنَ خَلَقْنَا وَلَقَدْ مَكِينٌ قَرَارٍ فِي نُطْفَةٍ جَعَلْنَاهُ ثُمَّ

۱۳ أَمْضَغَةً فَخَلَقْنَا مُضْغَةً أَعْلَقَهُ النُّطْفَةَ خَلَقْنَا ثُمَّ

٤  
ءَخْرَ خَلْقًا أَنْشَأْنَاهُ ثُمَّ لَهُمَا الْعِظَمَ فَكَسَوْنَا عَظَمَّا

**«Батахқиқ, инсонни лой сулоласидан яратдик.** Сўнгра уни мустаҳкам қароргоҳда нутфа қилдик. **Сўнгра нутфадан алақа яратдик, алақадан чайналган гўшт яратдик, чайналган парча гўштдан суяқ яратдик, бас, суякка гўшт қопладик, сўнгра уни бошқа бир жонзот этиб пайдо қилдик» (12-14-оятлар).**

Ушбу оятларни чуқурроқ ўрганган одам ундаги гаплар оддий эмас, илмий маълумотлар эканини, бу маълумотлар инсоннинг тупроқдан яратилганлигига ишора эканини билиб олиши қийин эмас. Ҳам эркак, ҳам аёлдаги уруғликлардан бола пайдо бўлади. Табиийки, уруғлик ейилган овқатлардан вужудга келади. Егулик озуқалар эса тупроқдан чиқсан.

Уруғлик эркак кишидан чиқиб, аёл кишига ўтадиган тирик ҳужайралардир. Бу ҳужайралар урғочи ҳужайралар билан қўшилиш учун ҳаракатга тушади ва ниҳоят, улардан бири урғочи ҳужайранинг тухумини ёриб кириб, унга аралашиб кетади. Натижада онанинг қорнида бола пайдо бўлади.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло ушбу оядаги кейин ўша уруғликни «алақа»га айлантириши ҳақида хабар бермоқда. Эрнинг манийси аёлнинг тухумчаларидан бирига этиб бориб, урчиганидан сўнг икковлари бирлашиб, аралашади ва бачадонга ёпишиб, ҳомила пайдо бўлади. У эса зулукка ўхшаш бўлади. Оядаги «алақа»дан мурод шу.

«Алақа» сўзини бизнинг тилимизга таржима қиласиган бўлсак, «зулук» деган маънони англатади. Ҳа, ҳаммамизга маълумчувалчангга ўхшаш, қон сўрдириш учун тиббий мақсадларда ҳам ишлатиладиган зулук номли ҳайвонни араблар алақа дейдилар. Араб тилида «алақ» ўзаги «ёпишиб», «осилиб олиш» маъносини англатади. Зулук ҳам теккан жойига ёпишиб – осилиб олгани учун «алақ» номини олган. Аммо барча қадимги тафсирчиларимиз оядаги «алақ» сўзига «қотиб қолган, лахта қон» маъносини берганлар. Чунки онанинг бачадонида зулук бўлиши мумкин эмас. Балки эркакнинг манийси аёлнинг тухумчалари ила урчиши оқибатида лахта қон пайдо бўлади, ана ўша ҳомиланинг биринчи босқичи бўлади. Худди мана шу тушунча юзасидан ҳамма уламолар «алақ»ни

«Қотған қон», «лахта қон» деб тафсир қилғанлар.

(Давоми бор)

**«Қуръон илмлари» китобидан**